

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Андижон давлат университети

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти
кафедраси

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ
ВА АМАЛИЁТИ фанидан

Реферат

МАВЗУ:

Ўзбекистон президенти И.А. Каримовнинг
“Юксак маънавият –енгилмас куч” номли
асарининг мазмуни ва моҳияти

ТАЙЁРЛАДИ: МҒМАХТ йўналиши 4 курс талабаси Х.Турсунбоев

Андижон - 2016

Ўзбекистон президенти И.А. Каримовнинг
“юксак маънавият –енгилмас куч” номли
асарининг мазмуни ва моҳияти

Режа:

- 1. Маънавият – инсоннинг улгайиш ва куч-қудрат манбаидир.*
- 2. Мустақиллик – маънавий тикланиш ва юксалиш.*
- 3. Маънавиятга таҳдид – ўзлигимиз ва келажакимизга таҳдид.*
- 4. Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори.*

Хулоса

Фойдаланилган

адабиётлар

руйхати

Маънавият, маънавий мерос, тарбия, ислоҳот, глобллашув жараёнлари, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, инсон қалбига йўл, енг буюк жасорат.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларига мустаҳкам пойдеворларни қўйилаётган бир пайтда жамиятимизнинг барча жабҳаларида мулкӣ ва номулкӣ муносабатлар ўта муҳим масалаларга айланиб қолди. Зеро, бозор иқтисоди шароитларида мол-мулк, пул ва қимматбаҳо нарсаларнинг кадри ҳаётимизда устувор аҳамиятга ега бўлиши табиий ҳолдир. Шу боисдан мустақиллигимизни мустаҳкамлашда иқтисодий омиллар билан бир қаторда ўта долзарб бўлган масала **маънавият** масаласи ҳал қилувчи ўринга чиқиб олди. Бу ҳол асарда маънавият масалаларини атрофлича таҳлилларида юртимизда Озод ва обод Ватан, фаровон ҳаётни барпо етиш учун ёш авлоднинг юксак маънавияти барча муаммоларни ҳал қилиш омили деган хулосага келинган.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов 1994 йил давлатимиз парламентида бир қатор миллий муаммоларни алоҳида та кидлаб ўтганлигини еслатиб ўтади. Дарҳақиқат ўшанда “биз ким едик, ким бўлдик, тилимиз, динимиз, муқаддас боболаримиз ва жойларимиз аҳволи қай ҳолда еди, биз кимга қараб сиғинар едик, пахтаимиз бизни бўйнимизга тушган бўйинтируқ еканлиги, бизни қандай бойликларимиз борлигини билармидик” – дея саволларни қўйиб мустақиллик шароитида маънавиятнинг беқиёс заруриятини исботлаб берган. Асарда ўзбек халқининг маънавияти минг йиллар давомида баркамол авлодлар давоми, миллий тараққиёт ва миллий муаммо ва бўҳронлардан есон-омон ўтишимизнинг кафолати бўлиб келганлигини бир қатор тарихий омиллар билан асослаб берилади.

Давлатбошимиз асарда ўзбек халқи қадимдан табиат ва иқлимнинг иссиқлигидан дарё ва сув манбалари бўйида истиқомат қилганлиги, атроф чўл-биёбонлигидан турли қабила ва уруғлар доимо бир-бирига елкадош ва аҳилликда яшашга мажбур бўлгани, бу ҳол халқимизда жамоавийликни устувор қадриятга айлантирганини та кидлаб ўтади. Дарҳақиқат ўлкамиздаги турмуш тарзи ва деҳқончилик шароитида бир кишини алоҳида яшаши мумкин емас, кўпчиликни меҳнати ва биргаликда ҳаётини ҳамкорликда шаклланишини талаб етган. Европа халқида еса индивидуаллик, яккалик, фақат ўзига таяниш ғояси шаклланган. Уларда жамоавийликдан кўра шахсийлик алоҳида ажралиб туради, ижтимоий кафолат ва боғлиқлик сустроқдир. Ўзбекда ҳамма нарса инсон туғилишидан токи вафотигаса жамоа бўлиб яшаш, тадбирларни бирга ўтказиш зарурияти ёзилмаган қонунга айланган.

Йўлбошчимиз ўз тажрибасига таянган ҳолда кўпчиликни маънавият сўзининг ма но-мазмунини тушунмаслигини та кидлаб, **маънавият** “ма но”, “ма ни” деган сўзларни англатишини еътироф етган. Бир қатор таҳлилларга таяниб, йўлбошчимиз маънавият деганда инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-еътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг

барча қарашларининг мезонидир деган чиройли тариф берган. Бу ишни янада аниқроқ изоҳлаш учун одамларни икки тоифага бўлади биринчиси яхши, я ни юксак маънавиятли кишилар бўлиб, улар бунёдкорлик орзу-ниятлари билан яшайди, ўзгаларга беғараз ёрдам кўрсатади. Улар ўз халқининг бахт-саодати учун фидойи инсонлар дея баҳолайди. Иккинчи тоифа одамлар фақат ўзини ўйлаб, бирор бир яхшилик ва савоб {еишни қилмай, ўзгаларга фойда келтирмай бу дунёдан ўтиб кетади. Шу ма нода инсон маънавияти деганда йўлбошчимиз меҳр-оқибат, шафқат, диёнат, имону-инсофни маънавиятнинг асосий жиҳат ва хусусияти деб кўрсатади. Бу та рифга асосланиб, йўлбошчимиз душмандан кўрқманг, у нари борса сизни ўлдиради, дўстингиз еса хиёнат қилиши мумкин. Енг ёмони лоқайд, еътиборсиз одам еътиборсизлик ва лоқайдлик билан барча еришилган ютуқларни секин–асталик билан барбод қилиши мумкин. Бу ўта хавфли одамлар тоифасидир.

Йўлбошчимиз ана шу тамойиллардан келиб чиқиб ўзбек халқи ҳалоллик ва покликни ўзининг турмуш тарзига миллий кадриятига айлантириб юборгани, миллатимиз минг йилдан бери ҳалол пок пешона тери билан бола-чақа боқиш ва тарбиялаш ишини ўзининг ҳаётий мақсадига айлантириб юборганлигига еътибор қаратган. Бировнинг ҳаққига хиёнат қилиш, ҳаромдан ҳазар қилиш миллатимизнг енг олий маънавий бойлиги деб та килаган.


Давлатбошимиз маънавиятнинг талқинларида моддийлик ва маънавийликни ўзаро муносабатини муҳокама етиши илмий-услубий жиҳатдан жуда ма қул ишдир. Чунки, кўп вақт биз “Пул бўлса чангалда шўрва” ғоясида кўнгил ва қалб ишига иккинчи даражали иш сифатида қараганмиз. Йўлбошчимизни бу масалани кўйишини яхши англаш учун бир одам фарзандларига ўзидан катта бойликни мерос қилиб қолдирса, фарзанд комил бўлса меросни янада кўпайтириши, ноқобил фарзанд еса турли қинғир-қийшиқ кўчаларга, ҳатто жинойтга қўл уриб ота меросини бир неча йилда ҳавога совуриши билан асослаш мумкин. Масалани атрофлича талқини билан Ўзбекистон ижтимоий тараққиётида моддий бойликларимиз ва миллатимизнинг маънавий бойликларини уйғунлаштириш бахт-саодатимиз калит деган хулосага келган.

Китобда яна бир муҳим масала маънавиятимизни мустаҳкамлашнинг қандай йўллари бор деган саволга биринчидан, миллий-маданий мерос, тарихимизни чуқур ўрганиш ва англаш масаласини кўйган. Бу ҳол ўлкамизда минг йиллардан бери одамлар меҳр-оқибат ва езгулик асосида турли халқлар ва динга ега одамлар дўст-биродар бўлиб яшагани, меҳр-оқибат кўрсатгани билан далилланади. Буюк бобокалонларимиз Имом Бухорийнинг “Ҳадислари”га мусулмон дунёси тасанно ўқиб келиши, ат-Термизий, Мотуридий, Замахшарий каби боболаримизга еса ислом илмининг буюк даҳолари сифатида қараши бизнинг аждодларимизнинг беқиёс тафаккури ва салоҳиятидан яна минг йил авлодларга дарак бериб туради.


Амир Темур ва унинг авлодларини ма рифий дунё тан олган. Йўлбошчимиз Франтсияда бобларимизнинг маънавий меросини ўрганишга

қизиқиш ва уларнинг юбилейларини ўтказилаётганидан ғурурланадилар. Демак, ўзбек халқининг ўз давлатчилиги ва бебаҳо маънавияти келажакда юртимизни гуллаб яшнаган жаннатмакон ўлкага айлантиришга имконият беради. Ахмад Фаргоний ва Мирзо Улубекнинг номи ойгача чиқиб боргани, у ердаги икки кратерни уларнинг номи билан аталганидан йўлбошчимиз роса қувонишини билдирган.


1-жадвал




2 – жадвал



3-жадвал




4-жадвал



Китобнинг иккинчи бўлими “Миллий ғоя ва маънавият” масалаларига бағишлаган бўлиб, унда миллиятни миллий бирлигида маънавийликнинг ўрни очиқ берилади. Миллат бир ёқадан бош чиқариб бирлашса дунёда буюк давлатлар сафидан жой олиши аниқдир. Йўлбошчимиз Япония ва Жанубий Кореяни “мўжиза” деб, бу борада бизда ҳам мўжиза юз бериши мураккаб иш эмас деб ҳисоблайди.

Milliy g'oya va ma'naviy hayot

Milliy g'oya deganda, ajdodlardan avlodlarga o'tib, asrlar davomida e'zozlanib kelinayotgan, shu yurtda yashayotgan har bir inson va butun xalqning qalbida chuqur ildiz otib, uning ma'naviy ehtiyoji va hayot talablariga aylanib ketgan, har qaysi millatning eng ezgu orzu – intilish va umid – maqsadlari bundav keng ma'noli
Eng ulug' g'oya: mustaqillikni mustahkamlash, mamlakatni yuksaltirish, yorug' va erkin hayot qurish




Ma'naviyat va jamiyatning yangilanishi

Yangi hayot, yangi jamiyat poydevorini barpo etishda erkin fuqaro ma'naviyatini shakllantirish


Yangicha ijtimoiv munosabatlarni shakllantirish

O'zlikni anglash, milliy ong va tafakkurning ifodasi, ayollar o'rtasidagi ruhiy – ma'naviy bog'liqlikning til orqali ramoyon

1929 yili ma'rifatparvar ziyolilar sa'y-harakatlari bilan lotin yozuvidagi o'zbek alifbosini ishlab chiqish va joriy etish




7-жадвал




Миллий бирлик ва барчамизни бой бадавлат фаровон яшашимиз учун маънавий юксаклик бирлашиш орқали турли туман мафкуралардан сақланиш, ҳозирги нозик шароидда қуролли агрессиядан кўра ғоявий таҳдидларни ҳафвли тус олаётган пайтда огоҳлик тамойили деб баҳолайди.

Бу ҳол учинчи бўлимда қонуний равишда замонавий тараққиёт, айниқса “Глобаллашув ва маънавият” масалалари ўта долзарб бўлиб бораётганлигига еътибор қаратилган. Ахборот ва янги технологиялар дунёнинг барча нуқталарига етиб борди. Одамлар ҳалқаро ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий та сирга тортилди. Чунки Интернет ва унинг ма лумотлари, уяли телефон, парабол антенналар, ДВД аппаратлари енг чекка қишлоқларгача етиб бориб ёшларни онги ва қалбига осонгина йўл топиб олди. Бу ҳорижий диний марказлар томонидан турли ғояларни тарқатишга кенг имкониятларни очади. Бир сўз билан айтганда ёш авлоднинг маънавий тарбияси ўн қарра мураккаблашиб, фидойилик билан ёшларимизни тўғри йўлга солиш ишини барчамиз учун давлат талаби ва сиёсати деб қабул қилишни тақозо етади. Йўлбошчимиз “Агар орамиздан сотқин чиқмаса ҳеч ким бизни ўз йўлимиздан қайтаролмайди ва енголмайди”-деган дадил фикрни билдиради.

8-жадвал



9-жадвал





Вазифалар:

- юртни махнавий таҳдид, хуружлардан ҳимоялаш;
- илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш;
- фуқаролар қалбида миллий тафаккур, соғлом дунёқарашни мустаҳкамлаш;
- инсоннинг иродасини бақувват қилиш;
- турли махнавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, продали, фидоий ва ватанпарвар инсонларни тарбиялаш;
- маънавий – маърифий тарғиботнинг таъсирчанлигини ошириш;
- замонавий инфомаксион – коммуникаксиа технологияларини кенг жорий етиш.

Асар ниҳоясида “Инсон қалбига йўл” муаммосига еътибор қаратилиб, ёшлар тарбиясини замонавий талаблар даражасига кўтариш заруриятини такидаб ўтади. Бу масалани ҳал етиш учун ёшларни замонавий билимлар билан куруллантириш муҳимдир. Ҳар томонлама билимли ёшлар оқ билан қорани тез ажрата олади. Шу билан бирга ёшларни ғайрат шижоатини, уларнинг куч ва кувватини яратувчилик ишига йўналтириш, уларнинг талаб, таклиф ва ташаббусларига ўз вақтида еътибор қаратиш ва барча қонуний ёрдам кўрсатиш зарурияти мавжуд. Биз ёшларнинг ижтимоий фаоллиги уларнинг маънавий баркамоллиги ва муносиб фуқаролиги белгиси деб қарашимиз лозим.

10-жадвал





Бу йўналишдаги ишларнинг яна бир муҳими уларнинг бандлиги билан боғлиқ ишлардир. Ёшларни касб-корга йўналтириш, қайта тайёрлаш, уларни корхона ва ташкилотларда муносиб иш билан та минлаш ва еътибор билан янги авлод ишчи кадрларни тайёрлаш еҳтиёжи ортиб бормоқда. Ёшлар орасида ишсиз аниқроғи бекорчилик турли ма мурий ва жиноий ишларни келиб чиқишининг манбаи еканлиги барчамизга ма лум. Шу боис бизнинг хизматимизнинг келгусидаги асосий вазифаларидан бири ёшларни иш билан та минлаш, ишга жойлаштириш ишига кўмак бериш деб ҳисоблайман. Шунда ёшлар орасидаги турли ижтимоий хавфли тахдидларни олдини олишга еришган бўлардик.

Биз йўлбошчимиз асарини ўқиб инсоннинг кўнгли ва қалби билан боғлиқ соҳалар ўта назик соҳа эканлигига, унга кириш ёки йўл топиш мураккаб эканлигига яна бир бора иқрор бўлдик. Зеро одамда қорин тўйдириш ғами билан бирга кўнгил еҳтиёжи бўлиб, уни ҳам тўйдириш муҳим бўлиб, ёшларимиз қалбида бўшлиқ вужудга келса мухолифларимиз уни тўлдиришга ҳаракат қилади. Шу боис давлатимиз раҳбари ўз асарида бу ишда биздаги энг зўр имкониятлар сифатида оила ва маҳаллани кўрсатганлиги бежиз емас. Агар ҳар бир оилада ота-оналар ўз фарзандларини ҳар куни тўғри юриб, тўғри туриш, гуноҳ ишлардан ўзоқроқ юриш ҳақида панду-насихат қилса, ўзлари ҳам одоб ва ахлоқда фарзандларига ибрат бўлсалар юртимиз тинчлиги ва осойишталигига ҳисса қўшган бўлардилар.

Маҳалла еса қадимдан ўзаро бир-бирига боғлиқ ижтимоий институт бўлиб, бир-бирини яқиндан билади. Маҳаллада ҳар бир ишни катталар бошқарган, улар аслида маҳаллада тинчлик ва осойишталикни та минлаган. Ҳар бир болани қўйган қадамини кўзатиб турган, оила ва маҳаллани номи ва ша н-шавкати бўлган. Тан олиш жоизки, кейинги йилларда маҳаллаларда одамлар орасида ўзаро алоқалар сусайиб кетмоқда, “*Сен менга тегма, мен сенга*” ёки “*Оч қорним тинч қулогим*” - деган еътиборсизликни одат қилиб олмоқда. Агар маҳалла номига доғ туширганлар ҳатто маҳалалардан қувғин ҳам қилинган. Шу боис биз маҳалланинг ана шундай ижобий бошқарув имкониятларидан миллий тараққиётимиз ва бахт саодатимиз йўлида фойдаланишимиз керак. Чунки йўлбошчимиз А.Авлоний домланинг пурвиқор сўзларини ўзларининг шиорига айлантириб олган, яъни “**Биз учун тарбия ё ҳаёт - ё мамот, ё саодат - ё фалокат, ё ҳалокат - ё нажот**”.

Хулоса қилиб маънавият деганда миллатнинг миллий ахлоқи ва нафосати, тили ва дини, ҳуқуқи ва сиёсати, фани ва фалсафаси каби ижтимоий қараш ва тафаккурининг намоён бўлишини тушуниш мумкин. Маънавият алоҳида ҳолларда миллатнинг миллий характери ва турмуш тарзини ҳам ифодалайди.

Шу боис, йўлбошчимиз миллатнинг маънавиятига қилинган таҳдид миллатни миллий қадрият ва бойликлари, соғлом авлод келажагидан мосуво қилиб, охир-оқибатда инқирозга олиб келади. Бу ҳол жамият ҳаёти ва тарбиявий ишнинг бирор жойида бўшлиқ бўлмаслигини талаб этади. Чунки ғоявий мухолифлар ўзоқ ва давомли мақсадларни кўзлаб иш юритиб, жозибали чақириғи билан ёшларни бегона ғояларга тортиши мумкин. Уларнинг асл мақсади яширин бўлиб, тажрибасиз ёшлар англай олмаслиги табиийдир. Бу жараёнлар дунёнинг барча қит аларида юз бераётгани, одамнинг ўз миллати ва Ватанига бўлган муносабатини сўндириб, уни барча воқеа ва ҳодисаларга лоқайд қилиб қўйиши билан хавфлидир. Шу боисдан масалани миллатимиз лдоирасида таҳлил қилишдан кўра уни жаҳон миқёсидаги умумбашарий муаммо сифатида ҳал етиш учун конкрет тадбирлар ўта долзарб масаладир. Чунки, маънавий таҳдид деганда жаҳон миқёсида инсонни ўзлигидан айиришга, руҳиятини издан чиқаришга қаратилган ғоявий- информатсион таҳдид тушунилади.

Маънавиятга таҳдид - асрлар оша миллий тараққиётимизни белгилаб берган қадриятларимиз, миллий ғурур ва ифтихор, фаровон ҳаёт қуриш учун

зарур бўлган маънавий фазилатларимизга қарши қаратилган хуруждир деб ҳисоблаш мумкин. Демак, маънавий таҳдид миллий-диний қадриятларимизга болта уриш, улардан бизни айириш каби мудҳиш ишдир. Агар биз ёшларимизга еътиборни пасайтирсак ёшларимиз ўз ота-онаси, яқинларидан айрилиб, миллий мас улиятни унутган, бир кунлик ташвишлар билан яшайдиган авлодни ҳосил қилишга олиб келиши мумкинлигини тасаввур етиш қийин емас. Шу боис тарбия давлат сиёсатининг енг муҳим муаммоси бўлиб қолади.

Ҳозирги мураккаб ижтимоий-сиёсий тараққиётда Ота-маконимизга турли бегона ғояларнинг тасири кучайган бир вақтда яшамоқдамиз. Шу боис йўлбошчимизнинг асари ёшларимизни ана шу хуружлардан муҳофазалаш мақсадида ўз фикр-мулоҳазаларининг дастурий баёни сифатида яратилгандир. Ёшларимизни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш деганда “...авваломбор шу юртда яшаётган ҳар бир инсонни ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва маданиятимиз, аждодларимиз маънавий меросини чуқурроқ егаллаши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшашни” - биз ўз фаолиятимиз тамойилига айлантиришимиз даркор.

Маънавият ҳақида кўп гапирилса ва ёзилсада, лекин унинг ма но мазмуни ҳақида аниқ та риф ва тушунчалар етишмаслигини еътироф етиш мумкин. Шундан бўлса керак ҳар бир мутахассис ва одамда ўзининг маънавият бўйича тушунчаси бор. Шу ма нода олимларнинг асарларида берилган тарифларга кўшилган ҳолда мазкур тушунчани “ма но”, “ма ни” мазмунида та рифлаш ҳақиқатда етарли емас. Чунки у инсонни инсон, халқни халқ қиладиган омил бўлгани учун унинг ўлчовлари жуда кенгдир. Шу аснода **маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон - еътиқодини бутун қиладиган, виждонини ўйғотадиган, унинг қарашларининг мезонидир.**

Аслида маънавият жамиятнинг ахлоқий, фалсафий, диний, сиёсий, ҳуқуқий, бадий-естетик қарашларининг умумий ғоявий йиғиндиси бўлиб, инсоннинг руҳий поклиги ва маънавий улғайиши унинг асосий хусусиятларидир.

Бу дунёда одамлар икки тоифага, я ни ўз ҳаётида ҳалол-пок яшашга, ўзгаларга езгулик муносабатларида бўлгучи ва ана шундай фазилатлардан узоқ бўлган иккинчи тоифага бўлинган. Яхшиларни ҳалол меҳнат билан яшаши, ёмонларни еса бекаму-кўст турмуши яхшиларни ҳаётга бўлган муносабати ва ижтимоий адолатга бўлган муносабатини ўзгаришига сабаб бўлади. Асарда ҳалол-пок яшовчи одамлар доим муайян мураккабликларга дуч келиши ҳақидаги ҳақиқатни еътироф етилиши муҳим аҳамиятга егадир. Маънавиятнинг зарурияти шуки, у турли-туман одамларнинг, я ни фе л атвори, юриш-туриши, ҳаётга қарашлари билан ранг-баранг бўлган кишилиқ жамиятини бошқарув механизмини ишлаб чиқиш еҳтиёжининг ортиб боришидир. Биринчи тоифа одамлар ҳалол пок яшаб, руҳан барқарор ҳаёти кечириб, ҳаётдан мамнун ўтса, иккинчи тоифа енгил-елпи ҳаёт кечириб, харому-хариш юриб турмуши надомат билан ўтади.

Халқимизнинг иймон-иродасини бақувватлиги уни турли ижтимоий бўҳронлардан есон-омон ўтишига, тилини, динини сақлаб қолишига имкон берган. Миллатпарвар алломаларимиз маънавиятимизни асрлар оша ўтишига, комиллик фазилатларини ўсишига хизмат қилган. Турли халқлар мустақилликни қўлга киритиб, миллатнинг манфаатини маънавий қондириш, езгу фазилатларга таяниб, ўзининг фарзандларига беқиёс еътибори билан дунё тсивилizatсиясининг енг юскак чўққилариг еришганини гувоҳи бўлиб турибмиз. Йўлбошчимиз шу масалада Япония ва Жанубий Кореяни мисол келтириб ҳақ гапни айтганлар. Зеро, урушдан кейинги вайроналардан қисқа муддатда “мўжиза” давлатига айланиши миллатнинг маънавияти билан боғлиқдир. Виждон поклиги ва бедорлиги маънавиятнинг енг муҳим устунлари бўлиб, ижтимоий ҳаётда меҳр-шафқат, адолат, одобу-ҳикматни қарор топишида белгиловчи ўринга егадир. Чунки виждонли одам атрофидаги бўлаётган воқеаларга еътибор билан қараши, адолатни топталиши, инсофу-диёнатни бўзилишига томошабин бўлиб қараб туролмайди. Айниқса ел-юрт манфаати бўзилиши, сотқинликка чидаб туролмайди. Ватан ва миллат манфаатларига зид ҳатти-ҳаракатларга қарши курашиб, ҳатто жонини фидо етиши ҳам мумкин. Бундай комилликни доимий тарбия орқали етиштириш мумкин. Баркамол авлод тарбияси ота-она ибрати, ватаннинг ғамхўрлиги, аждодларнинг буюк ишлари, солих етакчиларнинг яратувчилик ғоялари билан маънавий шакллантирилади.

Жаҳон халқлари тажрибаси маънавиятни англаш инсонни ҳаёти учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиш, инсонни англаш орқали амалга оширилишини тасдиқлади. Инсон ўзлигини англаши билан маънавиятининг барқарорлигини ўйлашга мажбур етади, инсоф-диёнат ва иймон-еътиқоди шаклланиб, келажакка қадам қўйиш учун маънавий поклик қувватини олади. Бу еса маънавиятнинг инсон туриш-турмушининг ма но-мазмуни еканлигини билдиради.

Маънавиятни тўлақонли тушунишда унинг мезонларини аниқлаш муҳим илмий-услубий аҳамият касб етади. Чунки маънавият билан самаралди шуғулланиш унинг мезоналари ва шакллантириш ўлчовларини аниқлашни талаб етади. Йўлбошчимиз маънавиятни юксалтиришдаги асосий омил сифатида миллатни бой ўтмиши билан яхлит тушуниш доирасида маънавий-маданий мерос, қадимий тарихий ёдгорликлар ва ўзга мозийдан қолган бойликларни муҳимлигига еътибор қаратади.

Мазкур масалада ўлкамизда минг йиллар давомида буюк зотлар яшагани, халқимизнинг бой маданий ўтсмиши ҳақида археологик казишмалар гувоҳлик бериб турибди. Шу ма нода ўлкамиздаги бир қатор кўҳна тарихий ёдгорликлар миллатмиз ЮНЕСКОнинг рўйҳатига киритилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Зеро, тошбитиклар, аждодлардан қолган одоб-ахлоқ, сиёсат ва нафосат, фалсафа ва динга бағишланган ноёб асарларнинг юртимизда асраб-авайлаб сақланаётганлиги бизнинг катта бойлигимиздир. Бундай бойлик дунё халқларида камдан-кам учрайди. Биз улар орасида “Авесто” китобини, я ни минг йиллар давомида халқимизни турли тўфонлардан есон-омон ўтиб олишида маънавиятнинг сарчашмаси бўлган

зардуштийлик динини еътироф етмай иложимиз йўқ. Улардаги чуқур ва теран ҳаёт фалсафаси дунё ҳалқларини уч минг йилдан буён хайратга солмоқда. Ундаги “**Езгу фикр, езгу сўз, езгу амал**” ғояси бугунги яратувчилик ишимизда маънавий идеалларимизга мослиги билан ҳам ўз кимматини йўқотмаган муқаддас тамойил бўлиб қолмоқда.

“Авесто” дунёнинг яхлитлиги, табиат, жамият ва инсоннинг бирлиги инсон маънавиятини руҳий озуқа берувчи омил эканлигини англатади. Унинг ғоя ва тамойиллари езгуликни устувор қилиб, инсонни поклашда та сирчан аҳамият касб етган.

Маълумки, ҳар қайси миллатнинг ўзининг афсоналарида қаҳрамонлари бўлиб, миллатнинг фидойилари учун намунавий образ ролини ўйнаган. Улар мард ўғлонларни тарбиялаш, миллат учун жонини фидо етишга тайёр ватанпарварларни тарбиялашга хизмат қилган маънавий бойлик бўлиб келган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ПРЕЗИДЕНТ И.А.КАРИМОВ АСАРЛАРИ:

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: Маънавият. 2008.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т: Ўзбекистон, 2011.
3. И.А.Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”ни ўрганиш мажмуаси. Т.:и ТДИУ, 2011.
5. Каримов И.А. “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш - бизнинг бош мақсадимиздир”. –Тошкент, Ўзбекистон, 2012,

МАХСУС АДАБИЁТЛАР

- 11.Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. –Т.: Ижод дунёси, 2002.

12. Миллий истиқлол ғояси. Олий ўқув юрлари учун дарслик. –Т.: Академия, 2005.

13. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш, омиллари ва воситалари. –Т.: Ижод дунёси, 2002.

14. Ш.Хайтов. Мурса ва Ўзбекистонда фалсафа тарихига кириш .Т .: Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2010 .

15. Н.Жураев. Тарих фалсафасининг назарий асослари. Т. : ”Маънавият“ 2008.